

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил июнь ойининг 15 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, судья А.Ахмадовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Т.Эштайлақовнинг котиблигида, Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Рахимов, судланувчи Ф.Хурсанов ва унинг ҳимоячиси “Ҳақиқат ҳуқуқ тарафдори” адвокатлик бюроси адвокати А.Ғаниев ҳамда жабрланувчи Ғ.Каримовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбланган:

Хурсанов Фаррух Баҳриддин ўғли (Xursanov Farrux Bahriddin o'g'li) 1996 йил 8 март куни Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, депутат эмас, давлат мукофотлари билан тақдирланмаган, бўйдоқ, Ургут тумани “Мирзабоғлон” маҳалласида яшайди, иш бўйича “муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 05.05.2023 йилда олганганга

оид 1-1416-2302|172-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Хурсанов Фаррух Баҳриддин ўғли- 2023 йил 19 март куни соат тахминан 20⁰⁰да Ургут тумани “Мирзабоғлон” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Узумзор”да маҳалладоши Каримов Ғолибжон Мелиқулович билан ўрталарида узумзорга сув қуйиш масаласида келиб чиқган ўзаро келишмовчилик натижасида жанжаллашиб, жанжал давомида Ғ.Каримовнинг бош соҳасига қўл ва оёқлари билан қасддан уриб, унга тан жароҳати етказган.

Ургут тумани суд-тиббий экспертиза бўлинмасинининг 2023 йил 3 апрель кундаги 191-сонли экспертиза хулосасига кўра, фуқаро Каримов Ғолибжоннинг танасида яъни, бошнинг ўнг чакка соҳасида, пешона соҳасида, иккала кўз қовоқлари соҳасида, иккала яноқ соҳасида, юз соҳасида, пастки жағ соҳаси чап томонида қонталашлар ва юмшоқ тўқималарининг лат ейиши, ўнг кўз оқиш пардасига қон қуйилиши, бош миянинг чайқалиши каби тан жароҳатлари мавжуд бўлиб, тан жароҳатлари ўтмас-қаттиқ жисмлар таъсирида етказилганлиги бу жароҳатлар ўзининг одатдаги кечивуда соғлиқни олти кундан кўп ва йигирма бир кундан кам муддатга бузилишига олиб келиши шунинг учун “ЕНГИЛ, СОҒЛИҚНИ БУЗИЛИШИГА САБАБ БЎЛГАН ТАН ЖАРОХАТЛАРИ” гуруҳига киради. Еказилган вақти ва тан жароҳатларининг хусусиятига кўра қарорда ва тиббий баёнда кўрсатилган ҳамда текширилувчини ўзи



айтган муддатга, яъни 2023 йил 19 март кунига тўғри келиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида жабрланувчи Каримов Ғолибжон Мелиқулович ариза билан мурожаат қилишиб, ҳозирги кунда Ф.Хурсанов билан ўзаро ярашиб олишганлигини, судланувчи томонидан унга етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганлигини, соғлиғи яхши эканлигини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, мазкур жиноят ишини ЖКнинг 66¹-моддасига кўра ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд мажлисида судланувчи Хурсанов Фаррух Баҳриддин ўғли ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризасида айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаб, ўзаро ярашиб олганлигини, жабрланувчини унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини ЖКнинг 66¹-моддасига кўра ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг бир қатор моддаларида, шу жумладан 109-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига тўлиқ иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ҳамда етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида жабрланувчи ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ЖПКнинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, жабрланувчи Ғ.Каримов ва судланувчи Ф.Хурсановларнинг аризаларини муҳокама қилиб, томонларни фикрини тинглаб қуйидаги асосларга кўра аризаларни қаноатлантиришни лозим топади. Томонлар ярашганлигини, жабрланувчини судга ярашув ҳақида ихтиёрий равишда ариза тақдим этишганлигини, судланувчи томонидан жабрланувчига етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланган бўлиб, уни судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инobatга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига кўра, судланувчининг жиноят содир этишдаги айблилик масаласини ҳал қилмасдан жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасига кўра, томонлар ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатишни ва Ф.Хурсановга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ажрим қонуний кучга киргач бекор қилишликни лозим топади.

Шунингдек, суд, жабрланувчи Ғ.Каримовга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.



Юқоридагиларга биноан ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва ЖПКнинг 84, 582-583, 585-586-моддаларига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Хурсанов Фаррух Баҳриддин ўғли (Xursanov Farrux Bahriddin o'g'li)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонларнинг ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилсин.

Ф.Хурсановга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи Ғ.Каримовга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон йигирма сутка ичида шу туман суди орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья:

А.Ахмадов

